

**ХОРАЗМ ВОХАСИ ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА  
КЕЧГАН СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР  
ТАРИХИГА ДОИР МУЛОХАЗАЛАР**

*Курбонов Абдуллајон Атанаザрович,  
Урганч давлат университети мустақил  
тадқиқотчиси*

**CONSIDERATIONS ON THE HISTORY OF  
POLITICAL RELATIONS IN THE EARLY MIDDLE  
AGES OF THE KHOZAM QASIS**

*Kurbanov Abdullajon Atanazarovich,  
Independent researcher of Urganch State University*

**СООБРАЖЕНИЯ ПО ИСТОРИИ  
ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ В РАННЕМ  
СРЕДНЕВЕКОВЬЕ ХОРАЗМИЙСКОГО ОАЗИСА**

*Курбанов Абдуллајон Атанаザрович  
Независимый исследователь Ургенчского  
государственного университета*

**Аннотация.** Мақолада Хоразмнинг стратегик жойлашуви, иқтисодий аҳамияти ва маданий мероси туфайли юзага келган мураккаб сиёсий муносабатлар қаламга олинган. Шунингдек турли ҳукмрон сулолаларнинг тақдири, уларнинг минтақавий ва халқаро сиёсатдаги роли, шунингдек, ўзаро муносабатлари ва иттифоклари таҳлил қилинади, бу даврнинг илмий-тадқиқот ишларига таъсир кўрсатган асосий омиллари ҳам кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** Хоразм, сиёсий муносабатлар, Хоразмшохлар, савдо йўллари, маданий алмашинув, дипломатик муносабатлар.

**Abstract.** The article describes the complex political relations caused by Khorezm's strategic location, economic importance and cultural heritage. Also, the fate of various ruling dynasties, their role in regional and international politics, as well as their mutual relations and alliances are analyzed, and the main factors that influenced the scientific research work of this period are also considered.

**Key words:** Khorezm, political relations, Khorezmshahs, trade routes, cultural exchange, diplomatic relations.

**Абстрактный.** В статье описываются сложные политические отношения, вызванные стратегическим положением Хорезма, его экономическим значением и культурным наследием. Также анализируются судьбы различных правящих династий, их роль в региональной и международной политике, а также их взаимоотношения и союзы, а также рассматриваются основные факторы, повлиявшие на научно-исследовательскую работу этого периода.

**Ключевые слова:** Хорезм, политические отношения, Хорезмшахи, торговые пути, культурный обмен, дипломатические отношения.



[https://orcid.org/0022-0008-  
8060-8726](https://orcid.org/0022-0008-8060-8726)

e-mail:

[qurbonovabdullajon@gmail.  
com](mailto:qurbonovabdullajon@gmail.com)

**КИРИШ.** Хоразм воҳаси илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасининг энг муҳим сиёсий ва маданий марказларидан бири ҳисобланган. Ушбу даврда Хоразмнинг геостратегик жойлашуви туфайли кўплаб маданий ва сиёсий алмашинувларнинг марказида жойлашган эди. Бу ерда кечган ҳарбий, дипломатик ва иқтисодий воқеалар нафақат маҳаллий миқёсда, балки бутун минтақа тарихига сезиларли таъсир кўрсатган. Хоразмшоҳлар даври уларнинг сиёсий стратегиялари ва халқаро алоқалари ўша даврнинг сиёсий манзарасини аниқ белгилаб берган. Шунингдек, археологик қазишмалар ва тарихий манбалар Хоразмнинг илк ўрта асрларда қандай ролни ўйнаганини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Хоразм воҳаси ҳудудида илк ўрта аср жамиятида кечган сиёсий муносабатлар тарихи ўзига хос тарихий илдизларга эга. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида Форс кўрфази шимолий ҳудудида вужудга келган Аҳамонийлар давлати Шарқда марказлашган давлат сифатида тарих саҳнасидан ўрин олган. Аҳамон давлати иқтисодий ва ҳарбий жиҳатидан қудратли бўлиб, қўшини ҳудудларни босқичма-босқич ҳарбий ҳаракатлар орқали, ҳудуд географиясини кенгайтириш сиёсатини амалга оширган. Мазкур сиёсий ва ҳарбий жараёнлар Аҳамоний давлатининг геостратегик кенгайиш сиёсатида устувор бўлган.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД.** Тарихий адабиётларда Аҳамон давлатининг Хоразмни босиб олиши ранг-баранг саналарда қайд қилинган. Л.Д.Прашек фикрича, Бақтрияни милоддан аввалги 539-547 йиллар орасида ўз таркибиға қўшиб олган бўлса, баъзи тадқиқотчилар бу жараённи 530-539 йиллар орасида амалга оширилган деб ҳисоблашади[1]. Тарихий адабиётларда қайд қилинган маълумотларга кўра, милоддан аввалги 545-539 йиллар орасида Аҳамонийлар империяси таркибиға жалб қилинганлиги Кир фаолияти натижаси бўлган. Тадқиқотчилар Б.А.Литвинский ва А.С.Сагъуллаев, О.Мавлонов томонидан чоп этилган нашрларда эса, милоддан аввалги 540-330 йилларда Хоразм

Кир II даврида Аҳамонийлар давлати таркибиға қўшиб олинганлиги қайд этилган.

**МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.** Ўрта Осиё худудлари тарихини ўрганишда Аҳамонийлар давлатининг муҳим роли алоҳида эътиборга лойиқdir. Аҳамонийлар давлати ўзининг муҳим худудларини босиб олиш сиёсатини милоддан аввалги 558 йилда Кир II (558-530) томонидан бошлаган бўлиб, бу сиёсат милоддан аввалги 519 йилда Доро I (522-496) томонидан ўтказилган ҳарбий ҳаракатлар билан якунланган. Шу давр мобайнида Аҳамонийлар давлати ўз таъсирини кенгайтиришга интилган, бунда асосий диққатни Ўрта Осиё худудлари, жумладан Парфия, Хоразм, Сўғд ва Арея вилоятлари жалб этилган. Геродотнинг маълумотларига кўра, бу худудлар солиқ тўлаш мажбурияти бўйича 300 талант миқдорида баҳоланган, ва улар 16-ўлкадан иборат бўлган.

Аммо, айрим манбаларда келтирилишича, мазкур сатрапликларнинг аниқ географик жойлашиши ва ҳудудий чегаралари бўйича маълумотлар ноаниқ қолмоқда. Хоразм ҳудудининг тарихий географияси ва этник муносабатлари тўғрисида тасаввур қилиш мушкул, чунки кўп ҳолларда фақат босиб олинган ўлкалар рўйхати Эрон ёзма манбаларида изоҳланган. Шунингдек, С.П.Толстовнинг асарида Хоразм аҳолиси, Массагет номи билан белгиланган, жануби-шарқда сўғдийлар, шимолда Орол денгизи жануби-шарқий, шимоли-жанубида дербиклар, Арея ва Парфия билан чегаравий ҳудудида жойлашгани ҳакида маълумотлар мавжуд.

Давлат томонидан тайинланган ноиб Сариқамишбўйи хавзасида Амударёдан ажralиб йўналиши жараёнида шимолий-шарқий ва ғарбий ҳудудларининг географик холатини Кўзалиқир ва Қалъалиқир атрофларини ўзлаштириш мақсадида Чарманёб суғориши иншооти чиқарилган. Бу иншоотнинг соҳилига уланиб кетган 20м баландлик қирига аҳоли томонидан Кўзалиқир ва Қалъалиқир шахар ҳаробалари бунёд этилган бўлиб, улар милоддан аввалги VI-IV асрларга оид деб ҳисобланади. Ҳозирги пайтга келиб, Хоразмда Аҳамонийлар давлати тарихида ўша даврнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий жиҳатларидан келиб чиқсан ҳолда

мустақилликка эришиш жараёнларини ўрганишда мухим аҳамиятга эга. В.М.Массоннинг тадқиқотлари бу борада мухим манба ҳисобланади, у милоддан аввалги IV аср охирида Хоразмнинг мустақилликка эришганлиги тўғрисида қилган хulosалари билан дикқатга сазовор.

Аҳамонийлар империясининг Хоразм ҳудуди устидан назоратини йўқотиши жараёни турли тадқиқотчилар томонидан ҳар хил даврларда содир бўлганлиги қайд этилган. Айрим манбаларда бу воқеаларни Артаксеркснинг фаолиятининг охири билан боғлайдилар, бу ҳолат Хоразм аҳолисини аҳамонийлар подшолигига солик мажбуриятларидан эркин бўлишига олиб келган. Б.Я.Ставискийнинг тадқиқотлари мувофиқ, Хоразмнинг мустақиллиги милоддан аввалги V-IV асрлар, хусусан, милоддан аввалги IV аср биринчи ярмида юз берган. Ю.А. Рапопорт ҳам Хоразмнинг мустақилликка эришиши милоддан аввалги V-IV асрларга мансуб эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, И.В.Пьянков ва А.С.Балацхванцевларнинг илмий ишларида Хоразмнинг Аҳамон давлатидан мустақил бўлиши милоддан аввалги V аср охири - IV аср бошига белгиланган. Я.Ф.Ғуломовнинг тадқиқотларида келтирилишича, Хоразмни мустақил давлат сифатида Сиёвуш-Қаёнийлар бошқаруви остидаги даврда, милоддан аввалги IV-III асрлар ва милодий I асрларда ўнг соҳилда 26 та, сўл соҳилда эса 28 та туарар-жойлари бўлган. Амударёнинг икки соҳилида, жумладан Калтамиор, Тозабоғёб ва Амиробод каби магистрал каналлар ва уларнинг Довдон ва Дарёлиқ ирмоқларидан чиқарилган суғориш шахобчалари орқали сув таъминланган. Бу даврда Хоразмда маданий ва хўжалик марказлари, шунингдек, микровоҳалар бўлган шағарлар мавжуд бўлган.

Хоразмнинг антик ва илк ўрта асрлардаги тарихи бўйича Е.Е.Неразикнинг тадқиқотлари ҳам мухим аҳамиятга эга. Унинг тадқиқотларида асосан Афригийлар даври аҳоли туарар-жойларида қазиши ишлари олиб бориши натижалари таҳлил қилинган. Неразикнинг милодий IV-VIII асрлардаги сиёсий муносабатлар тизимини ёритишга бағишиланган монографиясида турли антик давр жараёнлари

ҳам кўриб чиқилган. Бундан ташқари, антик даврнинг сўнгти босқичида жамиятни қамраб олган сиёсий жараёнларнинг мазмуни ўзгариб, жамиятни қамраб олган тизимларнинг ўзгариши кузатилган.

Искандар тарихи минг уч юз бешинчи ийларида Амударё ҳар йили бузиб, ийқитиб ва парчалиб олиб кетиши натижасида ундан асар қолмади” деб Хоразм жамиятини қамраб олган сиёсий тарихини илк бор ёритганлиги мухим аҳамият касб этади[3]. Н.Веселовский асарида VIII асрдан X аср охиригача Афригий сулоласини 22 нафар хукмдорлари Хоразм сиёсий манзарасини намоён қилган фикрлари аҳамиятга молик[4]. Я.Ф.Ғуломов асарида Абу-Райхон Беруний Искандардан кейин 660 йилда Африғ Ал-ғир шахрига кўшк қурдирди. Бу уч қаватли кўшк қурилиши муносабати билан Афригийлар пойтахти Тупроққалъядан кўчирилганлиги сиёсий жараёнлар чигаллиги эканлиги қайд қилган. Шу тариқа, куйидаги хulosага келиш имконини беради.

- Милоддан аввалги VI аср сўнгти чораги V асрларда Аҳамонийлар сиёсий тизимида Хоразмнинг сиёсий тарихи бошланган;

- милоддан аввалги VI асрлардан 305 йилгача Сиёвуш-Қаёнийлар замин сиёсий манзарасини акс эттирган.

- милодий 305-995 йиллар Хоразм сиёсий тарихи Афригийлар сулоласи вакиллари даври бўлиб, аҳоли илк ўрта аср давр тарихига ташлаган шахдам қадамларини алоҳида ўрганишни тақоза этади.

Хоразм воҳаси илк ўрта асрларда кечган сиёсий муносабатлар тарихига доир мулоҳазаларга асосланиб ёзилган мақола, Хоразмнинг ушбу даврдаги сиёсий ва маданий ривожланиш жараёнларини атрофлича ёритади. Мақолада Хоразмнинг антик даврдан бошлаб, илк ўрта асрларга қадар бўлган даврларда ўзгариб турган сиёсий муносабатлари ва ижтимоий тузилмаларида эволюцияси таҳлил қилинган. Бу давр мобайнида Хоразм, асосан Афригийлар сулоласи ва бошқа маҳаллий динамиклар орқали ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга ва маданий ҳамда сиёсий муносабатларни бойитишга интилган.

**ХУЛОСА.** Хоразм ўзининг геостратегик жойлашувидан фойдаланиб, кўплаб маданий ва

савдо алоқаларини ривожлантирган ва бу жараёнлар мінтақадаги сиёсий барқарорликка ва іқтисодий үсишга үз таъсирини құрсаған Умуман олғанда, Хоразмнинг илк үрта асрлардаги мұраккаб ва үзгарувчан сиёсий манзарасини чуқур англаш учун мұхим манбадир. Хоразмнинг бу даврдаги сиёсий мұносабатлари мінтақадаги умумий тарихий ва мәданий контекст билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни тушуниш маҳаллий тарих ва меросни асрлаб-авайлаш учун ҳам зарурдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Прасек Л.Д., "ГЭСхинте фер Персер унд Азабер зуз Зеитс дер Сассанта", Бд, И, Сотха, 1906, сах. 224-225.

2. Дандамаев М.А., Луконин В.Г., "Культура и экономика древнего Ирана", Наука, 1980, сах. 103-104; Дандамаев М.А, "Иран при первых Ахеменидах", Наука, 1963, сах. 105-106; "История древнего Востока", Наука, 1988, сах. 262.

3. Беруний. Танланган асарлар.-Тошкент "Фан", 1968 йил. Т-1. 71 б.

4. Веселовский Н.Очерк историо-географических сведений о Хивинском Хонстве.-СПб, 187. 24-25 с.

5. Kurbanbayeva, M. (2023). ABU RAYHON BERUNIY HAYOTIGA DOIR BA'ZI MULOHAZALAR. TAMADDUN NURI JURNALI, 9(48), 64-66.

